

“ЛИСОН УТ-ТАЙР”ДА МАЪРИФАТ ТАЛҚИНИ ВА ОРИФ ОБРАЗИ  
ТАСВИРИ

Латипов Хаёт Рамазонович

**Annotatsiya:** Уибу мақола тасаввуф таълимотининг пайдо бўлиши тарихи ҳамда Алишер Навоийнинг “Лисон ут-тайр” достони мисолида баъзи бир тасаввуфий истилоҳлар бағрида турган ирфоний маънолар талқини, ошиқ ва орифга хос муҳим фазилатлар тавсифига қаратилган

**Таянч сўзлар:** тасаввуф, ошиқ, маърифат, ориф, маъруф, ирфон, илм, ишора, рамз..

Маърифатни маъно ахли “ирфон” деб аташган ва уни Аллоҳнинг эҳсони санаб, илмга нисбатан имтиёзи юқори деб билишган. “Маърифат” калимаси билиш, билиб олиш, таниш, қайтадан таниш ва билим маъноларида ҳам ишлатилади. “Ирфон” сўзи умумий маънода зоҳирий илмдан фарқли ўлароқ, бирор нарсани аниқ ва ҳар томонлама мукаммал билишни англатади.<sup>5</sup> Бундай билим кашф ва илҳомга таянишини назарда тутадиган бўлсақ, тасаввуфнинг амалий босқичи саналган тариқатдан мақсад маърифат эканлиги аёнлашади.<sup>6</sup>

Хабаримиз борки, Тасаввуф ва ирфон тушунчаларини баъзи бир олимлар бир хил маънода қўллаганлар. Буюк мутассавиф олим Абдулҳаким Шаръий Жузжоний бир мақоласида айни мавзуда фикр юритиб, ушбу масалага шундай ойдинлик киритади: “Баъзиларнинг фикрича, тасаввуф ирфоннинг бир бўлими ва унинг кўринишларидан биридир, яъни тасаввуф бир йўл-йўриқ ва тариқат сифатида ирфондан ажралиб чиқсан. Ирфон эса умумийроқ тушунча бўлиб, тасаввуфдан бошқа йўл-йўриқ ва мазҳабларни ҳам ўз ичига олади. Унга биноан бир киши сўфий бўлиб, ориф бўлмаслиги мумкин. Ёки бир киши зоҳиран тасаввуф тариқатида туриб, ирфондан ҳеч қандай баҳра олмаслиги ҳам мумкин. Баъзан эса ориф сўзи сўфий ва дарвешга нисбатан юксакроқ маънода ҳам қўлланган. Баъзилар эса ирфон – тасаввуфнинг илмий ва зеҳний томони ва тасаввуф – ирфоннинг амалий томони деб билгандар”.<sup>7</sup>

Абдулҳаким Жузжоний яна мазкур мақоласида “Ҳиндистон ва Юонда илми ирфон” масаласига тўхталар экан, Ҳиндистонда ирфон ғояларини ифода этган ўнлаб фалсафий мазҳаблар борлиги ва шулардан “Вандатион” мазҳабини ирфон мазҳаби дейиш мумкин эканлигини билдиради ҳамда ушбу таълимот вакилларининг фалсафий қарашларини қўйидагича баён этади: “ориф дунёвий алоқалар ва моддий

<sup>5</sup> Абдулҳаким Шаръий Жўзжоний. Тасаввуф ва инсон. “Адолат”. Тошкент, 2001, саҳифа – 10-11.

<sup>6</sup>Хожа Аҳмад Яссавий. Девони ҳикмат. Нашрга тайёрловчи: Нодирхон Ҳасан. “Мовароуннаҳр”. Тошкент, 2006, саҳифа – 37-47. Яна буҳақда қаранг: Эшонқулов Ҳ.П., Боғиев Н.Н. Хожа Аҳмад Яссавий ҳикматларида ориф образи. //Бухоро давлат университети илмий ахбороти. 2014, №1, саҳифа-56.

<sup>7</sup> Абдулҳаким Шаръий Жузжоний. Тасаввуф таълимотининг илдизлари. //”Мулоқот”, 1995, №1-2. – С.32.

боғланишлардан узилганидан кейин юксаклик даражасига кўтарилади, ўшанда орифнинг руҳи, куллий (умумий) руҳнинг ўзи бўлиб қолади”.<sup>8</sup>

Тасаввуфга доир китоблардан бирида орифга шундай таъриф берилган: “Ориф – яъни шуносандаҳ ва касе астки, ҳазрати илахий ўро ба мартабати шуҳуд зоти ва асмоъи худ расонида бошад. Ва ин моқоме ба тариқи ҳол ва мукошифаҳ бар ў зохир гаштаҳ бошад”.<sup>9</sup>

*Мазмуни: ориф – танигувчи кишиидурки, Оллоҳ уни ўз зоти ва исмларини мушиоҳада этиши мартабасига етказгандир. Ва у маънавий-руҳий тажриба, илҳом ва мушиоҳада йўли билан илоҳий маърифатга эришиб, Аллоҳни кашиф этгувчи зотдири.*

Бошқа бир китобда эса ориф донишманд, билгувчи, Ҳақ маърифатидан огоҳ, ҳақиқий маънода Оллоҳни танигувчи, маърифатни илҳом ва ҳол билан қўлга киритгувчи киши деб таърифланган.<sup>10</sup>

Маънавий ёки ички тажриба билан эришилиши боис маърифатга “важдий илм”, “завқий илм”<sup>11</sup>, - дея изоҳ берилади. Бу илмнинг соҳиби – Орифнинг қалби Аршдан ҳам кенг бўлмоғи муҳаққақдир. Чунки, “Арш ва курсининг ичидагилар, олами жисмонийдур. Қалби солимнинг руҳи инсонийдур-ки, у амри Раббоний эрур”.<sup>12</sup> Шунга кўра Ориф бирор бир қавм ёхуд миллатнинг эмас, жаҳоннинг Султони, дея тан олинган. У кўнглини поклик ила камолга етказар экан, маънавий оламида тубдан ўзгариш – эврилиш юзага келади. Ва бу ўз навбатида борлиққа – табиат дунёсига ҳам таъсир ўтказиш эҳтимолидан холи эмас. Ибн Синонинг таъкидлашича, Ориф сирли ёхуд ғайбий бир нарсадан сўзласа, табиат оламида шу нарсанинг акси албатта сезиларкан.<sup>13</sup> Ҳазрат Навоийнинг “Насойим ул-муҳабbat” асарида Хожа Мухаммад Бобойи Самосий тилларидан келтирилган Хожа Баҳоуддин Нақшбанднинг оламга келиши ва у кишининг илму ҳидоятлари шарофатидан Қасри Ҳиндувоннинг Қасри Орифонга айланиб, оламга машҳур бўлиши тўғрисидаги башоратлари ушбу фикрнинг бир далилидир: “Бу туфроғдин бир эр иси келадур. Бўлғайки, Қасир Ҳиндувон Қасри Орифон бўлғай...”<sup>14</sup>.

Алишер Навоий орифликнинг ахлоқий-маънавий сифат ва фазилатларига дикқат қилгани учун бир ғазалида:

*Фақр кўйида мусаллам тут, не қилсанг истимоъ,*

<sup>8</sup> Ўша мақола, саҳифа-33.

<sup>9</sup> Сайд Жаъфар Сажжодий. Фарҳанги истилоҳти орифон ва муттассавиф, Техрон – 1339, -С .283.

<sup>10</sup> Муҳаммад Муъянин. Фарҳанги форсий. Жилди 2. Дол – қоф. Муасасаъ интишорат Амири Кабир. Техрон, ҳижрий-1382 , саҳифа – 2260.

<sup>11</sup> Аҳмад Яссавий, Сулаймон Боқирғоний. Ҳикматлар куллиёти. Нашрга тайёрловчилар Қораев Т., Бозоров А. “ЎЗБЕКИСТОН”. Тошкент, 2011, саҳифа – 224.

<sup>12</sup> Иброҳим Ҳаққул. Сўздаги ўзлик. “Баёз”. Тошкент, 2013, саҳифа – 28

<sup>13</sup> Ҳайраний Алтинташ. Ибн-и Сина душунжасинда тасаввуфий қаврам оларак ариф ва ирфан. Улусларараси Ибн Турк, Ҳаразмий, Фарабий, Беруний, ва Ибн Сина Семпозиуму билдирилари. (Анқара, 9-12 айлул 1985) Анқара, 1990, саҳифа – 115.

<sup>14</sup> Алишер Навоий.МАТ. Йигирма томлик.Ўн еттинчи том. Фан, Тошкент, 2001, 256-б.

*Ориф эрмас ҳар кишиким қилса ирфон бирла баҳс,<sup>15</sup> - дейди.*

Ориф тақдиди ва орифлик мақомига доир бу каби ифодаларга Навоий шеъриятида тез-тез дуч келинади:

*Саҳфаи хотирда, эй ориф, керактур ёру бас,*

*Софийи ваҳдатқа хошоки хавотир қотма кўп.<sup>16</sup>*

Орифлар – Аллоҳни таниган, билган ва илоҳий маърифат завқи билан яшагани учун илм ва маърифатини кўз-кўз қилишдан тийилган, сукутга мойил, мушоҳададан тўхтамайдиган зотлар қиёфасида шуҳрат қозонишган.

Навоийнинг ёзиши бўйича, “Орифлар кимлардур?”, - деб сўралганда, Шайх Музaffer Кирмоншоҳий Қирмисий “Ориф – қалбини Мавлосига, жасадини халқига бағишилаган кишидир,”<sup>17</sup> деб жавоб берган бўлса, Шайх Абулхайр Тайнотий орифликни “Сўфийи ориф каромотдин яхшироқдур ва ул каромотнинг каромотидур”<sup>18</sup>, - дея эътироф этган экан.

“Насойим ул-муҳаббат” асарида орифнинг ўзгалар сийратидан огоҳ бўлиш иқтидори ва ҳеч бир бандага ҳасад қилмаслиги ҳамда сир сақлаш малакасига доир шайхлар тилидан айтилган: “Ориф улдурки, сенинг сиррингдин сўз айтқай ва сен хомуш бўлгайсен”<sup>19</sup>, “Орифқа сиррида бир кўзгу берибдурки, ҳар қачон ул кўзгуга боқса, Ани кўргай”<sup>20</sup> каби фикр-мулоҳазалар ҳам диққатга моликдир.

Алишер Навоий ҳам орифни сир одами сифатида қуёш нури сувини тоширлмайдиган ёки зоҳиран ўзгариш сезилмайдиган азим дарёга қиёслайди:

*Эрур орифқа ганжи файл етса,*

*Иши дам урмайин ани ёшурмоқ.*

*Қуёши акси тушуб дарё ичинда,*

*Не мумкиндор онинг сувин тошурмоқ.<sup>21</sup>*

“Насойим ул- муҳаббат” асарида баён этилишича, Шайх Абу Исҳоқ Иброҳим Шахриёр Гозируний орифлар маънавий камолининг нечоғли юксак даражага этиши уларнинг кўнгул кўзлари Ҳақ жамолини қанчалик равshan кўра олишига боғлиқ бўлишидан хабардор этиб: “Бу иш бир орифга мусалламдурки, кўнгли поклиги камолга етмиш бўлғай ва кўзи Ҳақ субҳону таолодан ғайрини кўрмакдин ёпилемиш бўлғай”<sup>22</sup>, - деб айтган экан. Бироқ, таъкидлаш жоизки, Оллоҳни кўнгул кўзи ила кўриш ва мушоҳада этиш завқи хамма орифда ҳам бир хил кечмаган. Шунинг учун уларнинг Ҳақни англаш йўлидаги таассурот ва ҳоллари ҳам хил бўлган. Бир ориф “Ҳеч бир нарсани кўрмайманки, унинг ортида Оллоҳни кўрмасам”, деса, бошқа бири “Ҳеч бир нарсани кўрмайманки, унда Оллоҳни

<sup>15</sup> Алишер Навоий. МАТ. Йигирма томлик. Учинчи том. Фан, 1988, 92-б.

<sup>16</sup> Ўша манба. 76-б.

<sup>17</sup> Алишер Навоий.МАТ. Йигирма томлик. Ўн еттинчи том. Фан, Тошкент, 2001, 154-б.

<sup>18</sup> Ўша манба. 149-150-б.

<sup>19</sup> Ўша манба. 154-б.

<sup>20</sup> Ўша манба. 69-б.

<sup>21</sup> Алишер Навоий. МАТ. 4-том. Фан, Тошкент, 1989, 512-б.

<sup>22</sup> Алишер Навоий.МАТ. 17-том. Фан, Тошкент, 2001, 154-б.

кўрмаган бўлсам”, деган. Яна бошқаси, “Ҳеч бир нарсани кўрмаганманки, ундан олдин Оллоҳни кўрмаган бўлсам”, деса, навбатдагиси “Фақат Оллоҳни кўраман”, деган. Шунингдек, “Ёлғиз Оллоҳ қўринади, У эса кўринмайдиган Оллоҳ эрур”, дегувчилар ҳам бўлган.<sup>23</sup> Бу беш тавр ташқи борлиқдаги ҳоллар бўлиб, улар гоҳо фикрий қарама-қаршиликларни ҳам юзага чиқарган. Навоий ҳам “Лисон ут-тайр” достонида буни таъкидлаб:

*Бўлди ўз ирфони ҳар кимга сифат,  
Кўп тафовут қилди пайдо маърифат.  
Ҳар киши ўз таврида истаб камол,  
Қилди водий тай қилургга иштиғол,*<sup>24</sup>

деган эди. Мазкур достоннинг маърифат водийсига тегишли фил ва кўрлар ҳикоятига орифона нуқтаи назар билан ёндашганда, Ҳиндистон – Ҳақ даргоҳини, қўзи ожизлар – ирфон сир-асоридан огоҳ бўла бошлаган толибларни тамсил этади, дейишига тўғри келади. Хўш, Филбон ким? Филбон уларнинг имоми, пири, шайхи ёхуд маърифат соҳиби – комил орифдир. Ҳикоятда филбон тилидан келтирилган сатрлар ва “Маърифат тариқи адосида муножот” бобида битилган мисралар мазкур фикрни кувватлайди:

*...Ҳар бир улча воқиғ эрдилар,  
Пил ҳолидин нишоне бердилар.  
Бир-бирининг сўзига айлаб хилоф,  
Гар жсадал қилдилар эрдилар маоф.  
Ҳар бири ўз билганидин деди сўз,  
Солмоғон эрди бири тил узра кўз.  
Лек жамъ ўлғонда бу барча сифат,  
Пилга ҳосилдур ул дам маърифат...  
Эй қилиб инсонни кони маърифат,  
Кўнглини айлаб жаҳони маърифат.  
Маърифат ҳар кимгаким қисм айлабон,  
Даҳр аро ориф анго исм айлабон  
Кимни айлаб маърифатқа муттасиф,  
Айлабон ул хайл ҳолин муҳталиф...*<sup>25</sup>

Ушбу қузатишлардан англаб турибмизки, Навоий асарлари мазмун-моҳиятидан баҳс юритганда, Шарқ мумтоз адабиётидаги тасаввуфий маъно ва фикр-қарашлар ёритилган ижод намуналарининг ҳам ўз ўрни, таъсири ҳамда ҳиссаси борлигини эсда тутиб, иш кўриш жуда ҳам муҳимдир. Чунки, Шоир асарларининг дунёга келишида ҳам, уларни англаш ва таҳлил этишда ҳам сўфиёна истилоҳ ва иборалар алоҳида аҳамиятга моликдир. Зеро, ирфоний калима ва тушунчаларнинг юзага келиш тарихи,

<sup>23</sup> Иброҳим Ҳаққул. Сўздаги ўзлик. “Баёз”. Тошкент, 2013, саҳифа – 29.

<sup>24</sup> Алишер Навоий. МАТ. 12-том. Тошкент: Фан, 1996, 225-б.

<sup>25</sup> Ўша манба. 227-228б; 285-б.

сабаблари ва “хусусий” маъно-мазмунини тўғри англамай туриб, буюк мутассавиф адиблар асаллари қатори Шайх Низомиддин Алишер Навоий ижодиётини ҳам ишончли тарзда талқин қилиб бўлмайди.<sup>26</sup>

### **АДАБИЁТЛАР РУЙХАТИ:**

1. Latipov H. R. ALISHER NAVOI ON LOVE, ENLIGHTENMENT AND AWARENESS //Theoretical & Applied Science. – 2020. – №. 6. – С. 551-556.
2. Ramazonovich L. H. Souls striving to god or from the world of wise people //Journal of Social Sciences and Humanities Research. – 2018. – Т. 6. – №. 04. – С. 14-18.
3. Ramazonovich L. H. Symbolism, Allusion and Essence in the Work of Turkigoi Songs //International Journal of Formal Education. – 2024. – Т. 3. – №. 4. – С. 20-28.
4. Абдулҳаким Шаръий Жўзжоний. Тасаввуф ва инсон. ”Адолат”. Тошкент, 2001, саҳифа – 10-11.
5. Хожа Аҳмад Яссавий. Девони ҳикмат. Нашрга тайёрловчи: Нодирхон Ҳасан. ”Мовароуннаҳр”. Тошкент, 2006, саҳифа – 37-47.
6. Абдулҳаким Шаръий Жўзжоний. Тасаввуф таълимотининг илдизлари. //”Мулоқот”, 1995, №1-2. –С.32.
7. Алишер Навоий. МАТ. 12-том. Тошкент: Фан, 1996, 225-б.
8. Иброҳим Ҳаққул. Сўздаги ўзлик. ”Баёз”. Тошкент, 2013, саҳифа – 29.
- Latipov H. R. ALISHER NAVOI ON LOVE, ENLIGHTENMENT AND AWARENESS //Theoretical & Applied Science. – 2020. – №. 6. – С. 551-556.
9. Baxtiyorovna, N. N. ., & Latipov, H. R. . (2024). Expression of Common Ideas and Images in the Creations of Navoy and Pushkin. *International Journal of Formal Education*, 3(4), 46–53. Retrieved from <http://journals.academiczone.net/index.php/ijfe/article/view/2479>
10. Ramazonovich, L. H. . (2024). Symbolism, Allusion and Essence in the Work of Turkigoi Songs. *International Journal of Formal Education*, 3(4), 20–28. Retrieved from <http://journals.academiczone.net/index.php/ijfe/article/view/2474>
- 11.Darmon, Uraeva, Rajabova Rano, and Rajabov Dilshod. "The stylization of prose tales in Uzbek children's literature." *Religación: Revista de Ciencias Sociales y Humanidades* 4.18 (2019): 170-174.
- 12.Rajabova, Rano. "Ўзбек Болалар Адабиётида Фольклор Жанрлари Стилизацияси." *Центр научных публикаций (buxdu.uz)* 8.8 (2021).
- 13.Rajabova, Rano. "Адабий топишмоқларда халқ топишмоқларига хос жанрий белгиларнинг ифодаси." *Центр научных публикаций (buxdu.uz)* 3.3 (2021).
- 14.Raxmatovna, Torayeva Umriniso, and Rajabova Rano Zaripovna. "Study of Begali Kasimov's Activity in Literary Studies and Scientific Biography of the Scientist." *Journal of Survey in Fisheries Sciences* 10.2S (2023): 3454-3459.
- 15.Rajabov, Dilshod Zaripovich. "Radif in uzbek folk songs." *Theoretical & Applied Science* 10 (2018): 316-318.

<sup>26</sup> Бу ҳақда қаранг: Е.Э.Бертельс. Суфизм и суфийская литература. – М: Наука, 1965. – Б. 54-55.

16.Juraev, Mamatkul, Dilshod Rajabov, and Shahodatbonu Imomnazarova. "WEDDING SONG GENRE IN THE CEREMONY LYRICS OF THE CENTRAL ASIAN TURKISH PEOPLES." *Theoretical & Applied Science* 7 (2020): 467-473.

17.Rajabov, Dilshod Zaripovich. "O'ZBEK XALQ QO'SHIQLARIDA RADIFNING IFODA SHAKLLARI." *Konferensiyalar | Conferences*. Vol. 1. No. 4. 2024.

18.Ahmadovich H. S., Muminovna M. M. About Nisoriy Bobur And Humoyun //NVEO-NATURAL VOLATILES & ESSENTIAL OILS Journal NVEO. – 2021. – C. 4753-4767.

19.Muhammadova M. HUMOYUN MIRZO NISORIY TALQINIDA: Mahbuba Muhammadova Termiz davlat universitetining mustaqil izlanuvchisi //Научно-практическая конференция. – 2021.

20. Mahbuba M. Nisoriyning" Muzakkiri ahbob" tazkirasida ayrim janr va badiiy san'atlar xususiyati //Karabük-2020.

21. Mo'minovna M. M. SECTION: HISTORY SCIENCE //POLISH SCIENCE JOURNAL. – 2019. – C. 29.

22. Mo'minovna M. M. NISORIY DO 'ST MUHAMMAD SULTON VA UNING IJODKOR SIFATIDAGI QIRRALARI HAQIDA //INNOVATION IN THE MODERN EDUCATION SYSTEM. – 2023. – T. 3. – №. 29. – C. 348-350.

23.Makhbuba M. Muzakkiri Ahbob" Fable By Nisari And Its Role In Literature Studies //European Journal of Business and Social Sciences. – 2019. – T. 7. – №. 10. – C. 111-116.

24.Sanobar A., Mahbuba M. O'LMAS UMARBEKOVNING"ODAM BO'LISH QIYIN"ASARING BADIY TAHLILI //ZAMONAVIY TA'LIMDA FAN VA INNOVATSION TADQIQOTLAR JURNALI. – 2024. – T. 2. – №. 1. – C. 74-80.

25.Norova N. Principal Directions of Studying the Problem of Style in Literature (on the Example of U. Kochkor's Lyrics) //JournalNX. – C. 913-915.

26.Norova N., Nigina M. OMON MATJON SHE'RLARIDA QUSHLAR TIMSOLI //ОБРАЗОВАНИЕ НАУКА И ИННОВАЦИОННЫЕ ИДЕИ В МИРЕ. – 2023. – T. 13. – №. 3. – C. 27-30.

27.Nasiba N. UDC: 821.512. 133 TRADITION AND INNOVATION IN USMON KUCHKOR'S POEMS //SCIENTIFIC REPORTS OF BUKHARA STATE UNIVERSITY. – C. 100.

28.Norova N. B. Creative abilities of the artist in the application of the art (on the example of the lyrics of osman kochkar) //Scientific reports of Bukhara State University. – 2020. – T. 4. – №. 5. – C. 214-221.

29.Norova N. Artistic skills in Usmon Kuchkor poetry //центр научных публикаций (buxdu. Uz). – 2022. – T. 15. – №. 15.

30.Bakhtiyorovna N. N. CREATIVE ABILITIES OF THE ARTIST IN THE APPLICATION OF THE ART (ON THE EXAMPLE OF THE LYRICS OF OSMAN KOCHKAR).

31.Gaybulloevna D. S., Bakhtiyorovna N. N. PSYCHOLOGIST IN ULUGBEK HAMDAM'S NOVEL" FATHER.

32.Norova N. УСМОН ҚҮЧКОР УСМОН ҚҮЧКОРНИНГ "ЛАЗИЖОН МАРСИЯСИ" ШЕЪРИ ХУСУСИДА: УСМОН ҚҮЧКОРНИНГ "ЛАЗИЖОН

МАРСИЯСИ” ШЕЪРИ ХУСУСИДА //ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz). – 2022. – Т. 16. – №. 16.

33.Norova N. ҲОЗИРГИ ШЕЪРИЯТДАГИ ПОЭТИК ЯНГИЛАНИШЛАР ҲАҚИДА //ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz). – 2022. – Т. 16. – №. 16.

34.Norova N. Usmon Qo ‘chqor lirikasidagi obrazlar tarkumi //ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz). – 2021. – Т. 8. – №. 8.

35.Baxtiyorovna N. N. USMON QOCHQOR LIRIKASIDA MUHABBAT MAVZUSINING TALQINI: DOI: 10.53885/edinres. 2021.71. 75.119 Norova Nasiba Baxtiyorovna, BuxDU Ozbek tili va adabiyoti kafedrası tayanch doktoranti (Ozbekiston) //Научно-практическая конференция. – 2021.

36.Норова Н. Б. УСМОН ҚЎЧҚОР ШЕЪРИЯТИДА ТАБИАТ ТАСВИРИ ТАЛҚИНИ: Норова Насиба Бахтиёрова, Бух ДУ ўзбек адабиёти кафедраси ўқитувчиши,(PhD) //Образование и инновационные исследования международный научно-методический журнал. – 2023. – №. 1.

37.Baxtiyorovna, N. N., & Latipov, H. R. . (2024). Expression of Common Ideas and Images in the Creations of Navoy and Pushkin. International Journal of Formal Education, 3(4), 46–53. Retrieved from <http://journals.academiczone.net/index.php/ijfe/article/view/2479>

38.Norova N. The Subject of Bukhara in the Poems of Osman Kochkar //Best Journal of Innovation in Science, Research and Development. – 2024. – Т. 3. – №. 3. – С. 858-863.

39.Norova N. The Subject of Bukhara in the Poems of Osman Kochkar //Best Journal of Innovation in Science, Research and Development. – 2024. – Т. 3. – №. 3. – С. 858-863.

40.Umurova N. INTERPRETATION OF HIS IDEAS IN THE WORK OF AHMAD YASSAVIY //Science and innovation. – 2023. – Т. 2. – №. C10. – С. 45-49

41.Raximovna U. N. TASAVVUF TA'LIMOTI VA G 'ARB ADABIYOTI //Ethiopian International Multidisciplinary Research Conferences. – 2023. – С. 117-119.

42.Raximovna, Umurova Nigina. ““Beshinchi tog ” asarida Sharq falsafasi.” Ethiopian International Multidisciplinary Research Conferences. 2023.

43.Umurova N., Samadova S. Oriental Motives on “The Fifth Mountain” By Paulo Coelho //International Engineering Journal For Research & Development. – 2020. – Т. 5. – №. 2.

44.Umurova N. “IQRORNOMA” VA ISLOM FALSAFASI //ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz). – 2023. – Т. 41. – №. 41.

45.Sharipova L. F. Literary riddles //Theoretical & Applied Science. – 2018. – №. 10. – С. 342-346.

46.Sharipova L. BOLALAR ADABIYOTINING NOZIKTA’В ZARSHUNOSI //Konferensiylar| Conferences. – 2024. – Т. 1. – №. 4. – С. 67-70.

47.Шарипова Л., Низомова К. ЎЗИГА ХОС ШЕЪРИЯТ //Прикладные науки в современном мире: проблемы и решения. – 2023. – Т. 2. – №. 5. – С. 19-21.

48.Sharipova L. F. Literary riddles //Theoretical & Applied Science. – 2018. – №. 10. – С. 342-346.

49.Sharipova L. Замонавий шеъриятда ёмғир образи //ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz). – 2021. – Т. 8. – №. 8.

51.Шарипова Л. БОҚИЙ МАВЗУДА БИТИЛГАН ШЕЪРЛАР: Шарипова Лайло, ф. ф. д., ўзбек тили ва адабиёти кафедраси доценти, Бухоро давлат университети //Образование и инновационные исследования международный научно-методический журнал. – 2022. – №. 5. – С. 52-56.

52.Sharipova L., Boboxo'jayeva L. A. XALQ OG 'ZAKI IJODINING USMON AZIM IJODIGA TA'SIRI MASALASI //Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences. – 2023. – Т. 3. – №. 6. – С. 948-952.

53.Sharipova L. ALISHER NAVOIY IJODIDA LUG 'Z //Academic research in educational sciences. – 2023. – Т. 4. – №. Conference Proceedings 1. – С. 387-391.

54.Sharipova L. Literary yor-yor //Scientific Bulletin of Namangan State University. – 2019. – Т. 1. – №. 4. – С. 218-222.

55.Sharipova L. XX asrning 70-80-yillari o 'zbek she'riyatida folklorizm //Toshkent: Fan. – 2011. – Т. 153.